

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлигининг
“Давлат иштирокидаги корхоналарни
бошқариш, давлат активларини
хусусийлаштириш ва бошқа
соҳаларда 2024 йилдаги фаолияти
тўғрисида”
ҲИСОБОТИ

МУНДАРИЖА

Кириш.	1
I. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш	
1.1 Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив муносабатларни таъминлашни ташкил этиш ҳолати.	5
1.2 Давлат активларининг ҳисобини юритиш ҳолати.	10
II. Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари	
2.1 Давлат активларини хусусийлаштириш.	12
2.2 Давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўш турган активлардан самарали фойдаланиш ҳамда ижарага беришни ташкил этиш.	15
2.3 Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш.	17
2.4 Халқаро ҳамкорлик масалалари.	19
III. Давлат активлари агентлигининг бошқа фаолият йўналишлари	
3.1 Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш.	25
3.2 Тўловга қобилиятсизлик жараёнини юритиш.	31
IV. “E-auksion” электрон савдо платформаси фаолияти	
4.1 Давлат активларининг аукцион савдолари.	33
4.2 Давлат иштирокидаги корхоналар активларини аукционда реализация қилиш ва ижарага бериш ҳолати.	33
V. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини реализация қилиш тўғрисида	
5.1 Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун ер участкаларини реализация қилиш тўғрисида.	37
Хулоса.	40

Кириш

“Сўнги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.”

***Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Давлат активлари агентлиги) 2024 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсадларини ижросини таъминлаш, иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожланган тармоқларида давлат иштирокини кескин камайтириш, хусусий сектор фаолият кўрсатиши учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2024 йил 14 февраль, ЎРҚ-907) қабул қилинган. Аввалги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, ислохотларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермайди, 20 дан ортиқ маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда маънан эскирганлиги сабабли мазкур Қонун қабул қилинди.

Ушбу Қонун хусусийлаштиришнинг барча босқичларини қамраб олишга қаратилган тартиб қоидалар назарда тутилган хусусан, давлат мулкани савдога чиқариш жараёнлари соддаллаштириш, хусусийлаштириш жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган меъёрлар, давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органи белгилаш, хусусийлаштирилган давлат мулки дахлсизлигини таъминлаш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишда қонунчиликка мувофиқ тақиқланган шахслар талабгор бўлмаслиги каби бир қатор муҳим нормалар мавжуд.

Қонунда хусусийлаштиришнинг **электрон-онлайн аукцион, танлов, биржа, музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш**, рақобатга асосланган **мулоқот**, кўчмас мулк, улуш ҳамда корхонани бошқа жамиятнинг **устав фондига киритиш** ҳамда корхоналарни кейинчалик сотиш шарти билан **ижарага бериш** каби **8 та усуллар** назарда тутилган.

“Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Қонун талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган **Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох**

қилиш стратегиясида давлат корхоналари сонини 2025 йилга қадар **75 фоизга** қисқартириш мақсадига эришиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2024 йил якуни бўйича давлат иштирокидаги корхоналар сони **67 фоизга қисқартирилди**.

Хусусан, 2024 йилда тегишли хусусийлаштириш дастурларига асосан **23,4 трлн сўмлик 3,7 мингдан** ортиқ активлар савдога чиқарилган бўлиб, **3 158 та (2 943 та** давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар активларнинг активлари, **215 та** ер қаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва **2 943 гектар** ер участкалари) активлар **17,4 трлн сўмга** сотилиши ва хусусийлаштириш жамғармасига **9,8 трлн сўм тушум тушган**.

Йирик давлат активларидан “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ (100%) – **832 млрд сўм**, “Interhotel” МЧЖ (100%) – **334 млрд сўм** ва “Uz-Koram Kompani” МЧЖ (100%) – **307 млрд сўмга** сотилди.

Илк бор “**Халқ IPO**” сени ўтказиш бўйича “**Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси**” АЖ устав капиталидаги **4,4 фоиз** давлат акциялар пакети “битта акция – битта лот” тамойили асосида оммавий таклиф этилди. Хусусан, республиканинг барча вилоятларида “**Roadshow**” тақдимотлари ўтказилиб, капитал бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан аҳоли билан **жонли учрашувлар** ташкиллаштирилди.

Натижада, жойлаштирилиши режалаштирилган акциялар ҳажмига нисбатан **108 фоиз**, яъни **3,6 млн та** акцияларни сотиб олиш учун **12,6 мингта жисмоний** ва **юридик** шахслардан **46,6 млрд сўмлик** таклифлар келиб тушди. Келиб тушган таклифлар аввал эълон қилинган мезонлар бўйича Ўзбекистон Республикаси резидент жисмоний шахсларига устуворлик ҳуқуқи берилган ҳолда жойлаштирилди. Бунда, жами **42,9 млрд сўмлик 11 298 та** буюртмалар (11 234 та жисмоний ва 64 та юридик шахслар) қаноатлантирилди.

“**Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси**” АЖ акциялари “**Xalqchil IPO**” дастуридан сўнг барқарор ижобий ўсиш динамикасини кўрсатиб, акциялар эгаларига ўртача **35%** даромадни тақдим этмоқда.

2024 йилда давлат улуши мавжуд корхоналар ҳамда давлат унитар корхоналари сони **2 187 тани** ташкил этди, жумладан **254 та** АЖ, **1 457 та** МЧЖ ва **476 та** ДУК.

Бундан ташқари, муттасил ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аниқланган **817 та** бўш турган объектлар (**584 таси давлат ва 233 таси давлат иштирокидаги корхоналар объектлари**) барчаси **2025 йил хусусийлаштириш дастури лойиҳасига** киритилди.

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган **95 мингдан ортиқ (9 425 гектар)** ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилди. 2024 йилда **35 мингдан ортиқ (4 105 гектар)** бошланғич қиймати **2,8 трлн сўм** бўлган ер участкалари **4,4 трлн сўмга** ёки бошланғич нархига нисбатан **1,6 трлн сўмга (158%)** қимматроқ сотилди.

Хусусан, 2024 йил июль ойида Тошкент шаҳри, Миробод туманидан нархи **2,9 млрд сўм** бўлган **6 сотих** ер участкаси ошхона, кафелар, савдо уйлари қуриш учун **мулк ҳуқуқи** билан **15 млрд сўм**га сотилди.

Ўтган ҳисобот йилида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқариш, уларда замонавий корпоратив усуллари кенг жорий этиш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Давлат активлари агентлиги иштирокидаги **63 та** корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича **140 нафар** аъзолик ўринларига махсус веб-портал (www.cns.davaktiv.uz) орқали **оммавий танлов эълон қилинди**. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан **828 та** (**6,0 баробар кўп**) аризалар келиб тушган, ушбу номзодлардан **73 нафар** номзодлар танлаб олиниб, уларни сайлаш юзасидан таклифлар юборилди.

2024 йил Давлат активлари агентлиги иштирокидаги **32 та** давлат улуши устун мавқега эга жумладан, “Poytaxt bank” АЖ, “O‘zsuvqurilish” АЖ, “O‘zsuvta’minot” АЖ, “Ховос темирйўл шифохонаси” МЧЖ, “O‘zbekekspertiza” АЖ, “Қўқон механика заводи” АЖ каби корхоналарнинг ижроия органига **35 та** янги раҳбарлар тайинланди, шунингдек, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбектелеком”, “Uzbekistan airways”, “Uzbekistan airports”, “Олмалик КМК” АЖ ва бошқалар каби жами **24 та** корхоналар **кузатув кенгашлари таркибига 44 та хорижий тажрибага эга мустақил аъзолар** киритилди.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2023 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланган дивиденд (ажратма)лардан давлат бюджетига 2024 йилда **900 дан ортиқ** корхоналар томонидан **26,3 трлн сўм** тўланди.

Давлат кўчмас мулкни ижарага бериш ҳисобига умумий қиймати **473 млрд сўм**лик **27 644 та** (майдони **55 млн квадрат метр**) ижара шартномалари тузилди ва натижада **468 млрд сўм** тушум таъминланган, шундан **128 млрд сўми** маҳаллий бюджетларга йўналтирилган.

2024 йилда **221 та** баҳоловчиларга ва **210 та** риэлторларга малака сертификатлари **берилган**.

Шу билан бирга, 2024 йилнинг ҳисобот даврида **14 537 та** корхоналарда (мулки мавжуд – **376 та**) тугатиш ишлари олиб борилди, уларнинг **9 392 та**си(65%)да тугатиш ишлари якунланган (мулки мавжуд – **123 та**), қолган **5 145 та**сида (мулки мавжуд – **253 та**) тугатиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, **157 нафар** суд бошқарувчисига малака аттестати берилди, натижада уларнинг умумий сони **333 та**га етказилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали қўшимча **4 та давлат хизматларини** кўрсатиш **йўлга қўйилиб, уларнинг сони 18 та**га етказилди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат активлари агентлигининг **“Davaktiv”** ва **“Online-ijara” мобил иловалари** ишга туширилди (мобил илова орқали жисмоний ва юридик шахслар вакиллари томонидан узоқ (олис)

худудлардан тез ва осон тарзда мурожаатлар юбориш имконияти яратилган) ҳамда Давлат активлари агентлигини бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўйича давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш портали (*portal.davaktiv.uz*) ҳамда мулкни ижарага бериш ахборот тизимининг янги версияси (*online-ijara.uz*) ахборот тизимлар ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам фаол амалга оширилди. Жумладан **455 та** чиқишлар (**65 та** ТВ ва радио, **77 та** газета ва журналлар, **313 та** ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) **12 та хорижий ОАВ** (*The Diplomat, The Times of Central Asia, bne IntelliNews, Kursiv Media, GlobalCapital, Trend AZ, Petroleum Economist, Aviation Week* ва бошқа) ларда маълумотлар жойлаштирилди ва **16 та халқаро форум ва конференцияларда** фаол иштирок этилди, шунингдек, хусусийлаштириш жараёнлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва барча ҳудудларда тадбиркор ва ишбилармонлар учун **Roadshow тақдимотлари** ўтказилди.

Бундан ташқари, савдо жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш борасида “Е-auksion” электрон савдо платформасида умумий қиймати **35,6 трлн сўм** (2023 йилга нисбатан 181 фоиз) бўлган активлар **289 706 та лот** электрон савдоларга чиқарилди.

“Е-auksion” савдо платформасида **барча давлат муассасаларининг асосий воситалари** сотиш ҳамда **хусусий мулкдорлар** буюртмаларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича **соддалаштирилган тартиб ва муддатларда** сотиш жорий этилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон **танлов ўрнига** электрон онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш ҳамда **Ўрмон фонди** ер участкаларини ва **давлатга тегишли сув ҳавзаларини** тадбиркорлик субъектларига платформа орқали ижарага бериш йўлга қўйилди.

Мазкур платформани технологик такомиллаштириш мақсадида, **ер участкалари** бўйича тўловларни тўлаш бўйича шартномаларни платформа орқали имзолаш ҳамда оммавий оферта ва бошқа шартномаларни имзолашда қўшимча равишда **OnID тизимидан** фойдаланиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, Давлат активлари агентлигининг 2024 йилдаги фаолияти хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш ва тадбиркорларга шароит яратиш, давлат мулкни самарали бошқаришни ташкил этишга қаратилган ва ушбу вазифаларни бажариш 2025 йилда ҳам сафарбарлик руҳида ташкил этилади.

А.Ж.Ортиков
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
директори

I. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш

1.1 Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив муносабатларни таъминлашни ташкил этиш ҳолати

Давлат активлари агентлиги давлат мулкини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органи сифатида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқаришни ташкил этиш ва уларда замонавий корпоратив усуллари жорий этишга қаратилган қуйидаги амалий ишлар олиб борилган:

1. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни танлаб олиш Комиссиянинг қарорлари билан давлат иштирокидаги **63 та** корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни кўрсатиш учун махсус веб-портал (www.cns.davaktiv.uz) орқали танловлар ўтказилди.

Мазкур танловларда иштирок этиш учун **140 нафар** аъзолик ўринларига жами **828 нафар** талабгорлардан аризалар келиб тушган. Ушбу талабгорлардан давлат улуши бўйича **73 нафари** танлаб олиниб, корхоналарнинг бошқарув органларида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун илгари сурилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон ҳамда 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–163-сон қарорлари талабларидан келиб чиқиб, **Осиё тараққиёт банки** ҳамда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган **Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари** ҳамда **Ахлоқ кодекси** ҳисобот даврида **58 та** давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг қарорлари қабул қилиниб, уларнинг фаолиятига татбиқ қилинди.

3. Ҳукуматнинг тегишли қарорларига (*Вазирлар Маҳкамасининг 800-, 350-, 139-сон ва бошқалар*) асосан давлат иштирокидаги **1 253 та** корхоналардан **940 таси** тугатилган ва қолган **312 таси** бўйича тугатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Тегисли хусусийлаштириш дастурларига асосан **443 та** акция пакетлари (улушлари) Давлат активлари агентлигига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарори ҳамда Хусусийлаштириш Давлат комиссиясининг 2024 йил 18 майдаги баёнига асосан “Ўзавтосаноат” АЖнинг масъул раҳбар ходимларига “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналаридан Давлат активлари агентлигига ўтказилган **13 та** корхоналардаги давлат улушларини хусусийлаштирилгунга қадар бошқариш ваколати ишончнома асосида берилди.

4. Давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш йўналишида:

а) 1 776 та давлат иштирокидаги (туғатиш жараёнида, фаолиятсиз, банкрот, ҳисобот топширмаганлардан ташқари) корхоналардан **924 та**си 2024 йил 9-ойлик якуни бўйича солиқ органларига ва “Давлат мулки” сайтига ҳисобот тақдим этган (шу жумладан **22 та** йирик стратегик корхона). Шундан:

- соф тушум **292,9 трлн сўм**ни (ўсиш 37,8%) ташкил этади, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **270 та** корхонада кўпайган ва **114 та** корхонада камайган;

- таннарх **207,6 трлн сўм**ни ташкил этади, ўртача **3,9%**га камайган (бунда **5 та** йирик корхоналарда таннарх ошган);

- соф фойда **38,7 трлн сўм**ни ташкил этган (ўсиш-**37,2%**), шундан **35,3 трлн сўм**и (**91,2%**) йирик корхоналарга тўғри келади, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **169 та** корхонада кўпайган ва **108 та** корхонада камайган, шунингдек, **177 та** корхона **5,5 трлн сўм** зарар кўрган (камайиш-**29,6%**);

- бюджетга тўловлар **52,7 трлн сўм**ни ташкил этган (ўсиш – **28,8%**), шундан **85,9%** (**45,3 трлн сўм**) йирик корхоналарга тўғри келади, тўловлар **270 та** корхонада камайган (**7 та**си йирик корхоналар);

- жорий кредитор қарздорлик **138,5 трлн сўм**ни ташкил этади ва йил бошига нисбатан **16,3%**га кўпайган, шундан **90,8 трлн сўм**и (**65,6%**) йирик корхоналарга тўғри келади **373 та** корхонада кўпайган, шундан **16 та**си йирик корхоналар;

- дебитор қарздорлик **133,9 трлн сўм**ни ташкил этади ва йил бошига нисбатан **17,8%**га кўпайган, шундан **88,9 трлн сўм** (**66,4%**) йирик корхоналарга тўғри келади, **332 та** корхонада кўпайган, шундан **14 та**си йирик корхоналар ҳисобланади.

б) 132 та давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жами **6 226,4 млн доллар** миқдорида импорт қилинган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш — **100,0 %**.

Бунда, импорт ҳажмининг асосий қисми машинасозлик ва электротехника - **6,2%**, банк ва молия ташкилотлари - **16,4%**, неф-газ - **39,7%**, металлургия - **10,5%**, энергетика - **6,2%**, йўл-транспорт - **4,4%**, ахборот технологиялари - **3,5 %** ва бошқа соҳаларга тўғри келади.

д) 82 та давлат иштирокидаги корхоналар томонидан **3,3 млрд доллар**лик товарлар экспорт қилинган бўлиб, ўтган йилга нисбатан **3,1 фоизга** камайган (ишлар ва хизматларсиз).


Давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (КПИ) нинг 2024 йил 9 ойлик якуни бўйича жорий этиш ҳолати



* Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 674-сон қарорига асосан давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомидида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Давлат активлари агентлигининг махсус ахборот тизимида жойлаштириб боради.

7. Зарар кўрган ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 120 та давлат иштирокидаги корхоналарни **2024 йилда** молиявий соғломлаштиришга қаратилган “йўл хариталари” — дастурлари ишлаб чиқилди. Жумладан **120 та** корхоналарда “Йўл харитаси” ижроси бўйича мониторинги олиб борилди. Шундан 2024 йил 9 ой якунларига кўра, **75 та** корхоналар **4,9 трлн сўм соф фойда** олган бўлса, қолган **45 та** корхоналар **695 млрд сўм зарар** билан якунлаган бўлиб, ушбу корхоналарда 2024 йил якунлари бўйича ижобий ўзгаришлар кутилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарни 2024 йилда молиявий соғломлаштиришга қаратилган “Йўл харита” дастурлари ижроси бўйича мониторинг кўрсаткичлари



* Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 674-сон қарорига асосан давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни **ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар** электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Давлат активлари агентлигининг махсус ахборот тизимида жойлаштириб боради.

8. “Давлат мулки” автоматлаштирилган ахборот тизими билан Мажбурий ижро бюроси (*хатланган ва тақиқ қўйилган мол-мулк*), Давлат солиқ қўмитасининг (*дивидендлар*), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (*давлат иштирокидаги корхоналарида инвестиция лойиҳалари*), Миллий статистика қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборот тизимларига **интеграция қилинди**.

9. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2023 йил якуни бўйича фаолияти натижадорлиги ва давлат мулкidan фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги Йиғма ҳисоботи шакллантирилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва Давлат активлари агентлигининг **веб-сайтида эълон қилинди**.

10. “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида” ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар талабларидан келиб чиқиб, Давлат активлари агентлиги

иштирокидаги давлат улуши устувор **32 та** корхоналар бошқарув органларининг қарорлари билан ижроия органига танлов ўтказилиши бўйича қарорлар қабул қилиниб, ижроия органидаги **35 та** аъзолик ўрнига янги раҳбарлар тайинланди.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналарга мустақил аъзоларни жалб этиш мақсадида **38 та** йирик корхоналарга **79 нафар** мустақил аъзоларни жалб қилиш масаласи **Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган**.


Шунга кўра, “Strikitsa Consulting” Лтд. томонидан **38 та** йирик корхоналарга жалб этиш учун малакавий талабларни инобатга олган ҳолда **99 нафар** номзодлар **қисқа рўйхати (short list)** шакллантирилган бўлиб, уларнинг ичидан **79 нафар** мустақил аъзоларни **танлаб олиш таклиф этилган**.

Бугунги кунда, **24 та** йирик корхоналарга **44 нафар** хорижий мустақил аъзолар жалб этилди.

12. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2023 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланган дивиденд (ажратма)лардан давлат бюджетига 2024 йилда **900 дан ортиқ** корхоналар томонидан **26,3 трлн сўм** тўланган.

3-график

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўланган дивиденд кўрсаткичлари



1.2 Давлат активларининг ҳисобини юритиш ҳолати

Давлат мулки ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳисобини юритиш property.davaktiv.uz ахборот тизими орқали амалга оширилади. Давлат иштирокидаги корхоналар 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 148 та**ни ташкил этди.


Давлат активларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли (жами – **30 062 та**):

- акциядорлик жамиятлари – **258 та** (25 фоизгача – **38 та**, 25-50 фоизгача – **48 та**, 51-99 фоизгача – **133 та**, 100 фоиз – **39 та**);
- масъулияти чекланган жамиятлар – **1 440 та** (25 фоизгача – **115 та**, 25-50 фоизгача – **123 та**, 51-99 фоизгача – **627 та**, 100 фоиз – **575 та**);
- давлат унитар корхоналари – **450 та**;
- давлат муассасалари – **27 914 тани ташкил этади**.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан **27 914 та** давлат ташкилотларининг **23 431 таси** давлат мулкининг жорий ҳолати бўйича ҳисоботларини “property.davaktiv.uz” АТга топширди.

4-график

Давлат активларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таҳлили



Изоҳ: Хусусийлаштириш дастурларига асосан давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган корхоналарни оммавий савдолар орқали сотиш учун давлат тасарруфига олинганлиги сабабли 2024 йилда акциядорлик жамиятлари сони ортган.

“property.davaktiv.uz” АТга ҳисоботларни киритмаган ёки тўлиқ киритмаган давлат ташкилотларига юборилган **тақдимномалар**, уларга қўлланилган **маъмурий жавобгарлик чоралари** ва **жарималар бўйича пул тушумлари**нинг мониторинги “Давлат мулки” АТда **электрон равишда юритилиши таъминланди**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон қарорига мувофиқ давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналар мурожаатларига асосан Давлат активлари агентлиги томонидан **598 та** ташкилотларни давлат рўяхатидан ўтказилиши учун буйруқлар қабул қилинган. Жумладан, **232 та** янги ташкил этилган давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда **366 та** таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича буйруқларни ташкил этади.

Давлат активлари агентлиги тақдимномалари ижросини таъминламаган **465 та** давлат ташкилотларининг **мансбдор шахсларига** нисбатан **маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди**.


Қонунчилик талаблари асосида республика бўйича жами **26 394 та** давлат муассасалари хатловдан ўтказилиб, шундан **24 мингдан** ортиғи бўйича таҳлиллар ўтказилди.

Таҳлил натижалари бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 апрелдаги 139-сон қарорига асосан Республика бўйича **208 та** давлат муассасалари филиалга айлантирилди, **272 та**си тугатилди, **29 та**си бўйича тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Республика мулкидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида давлат кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига ўтказиш бўйича Давлат активлари агентлигининг **101 та қарори қабул қилинди**.

5-график

Давлат активлари агентлиги томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида



II. Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари

2.1 Давлат активларини хусусийлаштириш


Тегишли хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **2024 йилда 23,4 трлн сўмлик 3,7 мингдан** ортиқ активлар, шу жумладан давлат улушлари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдоларга чиқарилган.

Ушбу даврда **3 158 та давлат активлари 17,4 трлн сўмга** сотилди ва **9,8 трлн сўм тушум таъминланди**.

Мисол тариқасида йирик давлат активларидан “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ (100%) – **832 млрд сўм**, “Interhotel” МЧЖ (100%) – **334 млрд сўм**, “Uz-Koram Kompani” МЧЖ (100%) – **307 млрд сўм**, “Шарқ нашриёт-матбаа” АЖнинг бино ва иншоотлари – **300 млрд сўм**, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ (35%) – **200 млрд сўм**, “Фотон” АЖ (85,58%) – **151 млрд сўмга** сотилган.

6-график

Давлат активларини хусусийлаштириш ва улардан тушум
(трлн сўм)




Шунингдек, “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги **43 та** дон корхоналаридаги давлат улуши оммавий савдоларга чиқарилган бўлиб, шундан **36 таси 1,6 трлн сўмга** сотилган, **7 таси** бўйича савдолар давом этмоқда.

2. Бошланғич қиймати **5,9 трлн сўмлик 95 543 та (9 424 га)** шундан 2024 йилда **5,7 трлн сўмлик 48 876 та (6 673 га)** қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилиб, **35 355 таси (4 105 га) 4,4 трлн сўмга** сотилди.

Мисол тариқасида Тошкент туманидан нархи **2,7 млрд сўм** бўлган **11 сотих** ер участкаси ошхона, кафелар, савдо уйлари қуриш учун мулк ҳуқуқи билан **6,6 млрд сўм**, Денов туманидан нархи **357,9 млн сўм** бўлган **19 сотих** ер участкаси авто тураргоҳ қуриш учун мулк ҳуқуқи билан **3,6 млрд сўмга** сотилган.


7-график

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари аукцион савдоларига чиқариш ҳолати (трлн сўм)



Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ижара ҳуқуқи асосида республика бўйича ўртача **1 сотих** ер участкаси электрон онлайн-аукцион орқали **14,1 млн сўмга** реализация қилинган.

Аукцион савдолари орқали вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида сотилган ўртача 1 сотих қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини қиймати тўғрисида (млн сўм)



Шунингдек, **310 та** (**171 гектар**) ер участкалари мастер-режа асосида аукцион савдоларига чиқарилди ва **67 таси** (**36,4 гектар**) **42,4 млрд сўмга** сотилди.

3. 2024 йил давомида **242 та** жами **1 623 млрд сўм** ва **1 346 млн АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритиш ҳамда **17 255 та** иш ўрни яратиш мажбуриятлари билан сотилган давлат активлари бўйича мониторинг олиб борилди. Шундан **78 та** объект тўлиқ ишга туширилиши ҳисобига **1 607 млрд сўм** ва **275 млн АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритилди ҳамда **6,1 мингдан ортиқ** янги иш ўринлари яратилди (*камбағал тоифадаги аҳоли – 523 та, аёллар – 538 та, ёшлар – 787 та*).

Мисол учун: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси 1-уйда жойлашган бўш турган бино-иншоотларга “Khorezm insulation group” МЧЖ томонидан **54,5 млн АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритилиб, **базальт хомашёсидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш** фаолияти ташкил этилди ва **120 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

22 та давлат активлари бўйича олди-сотди шартномалари харидорлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда **бекор қилинди**.

142 та сотилган давлат активларига жами **794,9 млрд сўм** ва **1 144 млн АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритиш, **10 152 та** иш ўрни яратиш бўйича мажбуриятлар мониторинги олиб борилмоқда.

2.2 Давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўш турган активлардан самарали фойдаланиш ва ижарага беришни ташкил этиш


Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази томонидан давлат мулки бўлган бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ҳамда ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ижарага беришни ташкил этиш, ижарага берилган давлат мулки объектларини ва улар бўйича маблағларнинг ҳисобини юритиш, давлат ташкилотлари, муассасалари ва корхоналарида давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш, ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Хатлов натижаларига кўра аниқланган **817 та** бўш турган объектлар (**584 таси давлат ва 233 таси давлат иштирокидаги корхоналар объектлари**) барчаси **2025 йил хусусийлаштириш дастури лойиҳасига** киритилди.

Ўз навбатида, Давлат активлари агентлиги томонидан 2024 йил декабр ойида хусусийлаштириш дастури лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

9-график

Давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўш турган активлардан самарали фойдаланиш таҳлили




Давлат мулкни ижарага бериш.

Республика бўйича кўчмас мулкни ижарага бериш ҳисобига умумий қиймати **472,8 млрд сўм**лик **27 644 та** (майdonи **55 млн квадрат метр**) ижара шартномалари тузилган ва натижада **467,6 млрд сўм** тушум таъминланган, шундан **128 млрд сўм** (2023 йилда 90 млрд сўм) маблағлар бюджетга йўналтирилган.

10-график

Давлат мулкни ижарага бериш ҳолати



Ҳоким ёрдамчилар томонидан берилган буюртманомалари бўйича:

Ҳоким ёрдамчилари томонидан электрон платформага жами **5 638 та** буюртманомалар келиб тушган (**1 194 таси** сотиш, **1 528 таси** ижарага бериш ва **2 916 таси** ер участкаси масаласида).

Шундан:

- **342 таси** қабул қилиниб, уларнинг **18 таси** сотиш (**8 таси** сотилган), **324 таси** ижарага бериш учун аукцион савдоларига чиқарилган (**109 таси** ижарага берилган);

- **2 380 таси** бўйича тегишли тушунтириш ва асосларни келтирган ҳолда **рад жавоби берилган**;

- **2 200 таси** “Yerelektron.uz” дастурига ўтказилган ва **716 таси** ҳоким ёрдамчилари томонидан такроран ёки хато юборилган.

2.3 Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш

Ҳисобот даврида Давлат активлари агентлиги фаолиятини рақамлаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Хусусан:

1. Давлат активлари агентлиги томонидан анъанавий кўрсатиладиган жами **18 та** давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ва Давлат хизматлари марказлари орқали хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган. Шундан **4 таси** 2024 йилда ишга туширилди.

2. Жисмоний ва юридик шахслар учун **сотилган давлат активлари тўловларини** электрон тўлов тизимлари **“Payme”**, **“Click”** ва **“Uzum bank”** мобил иловалари орқали **24/7** режимида **тўлаш имкони яратилди**.

3. Давлат активлари агентлигининг **“Davaktiv”** ва **“Online-ijara”** мобил иловалари ишга туширилди.

4. Давлат активлари агентлигини бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўйича **2 та** (portal.davaktiv.uz ва online-ijara.uz) ахборот тизими ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

5. Давлат активларини олди-сотди ва ижара **шартномаларини** электрон шаклда тузиш ва уларни **QR-код** қўйилган ҳолда **электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш** жорий этилди.

6. Давлат активлари агентлигининг ахборот тизимлари **5 та** вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви (**интеграцияси**) йўлга қўйилди.

7. Ҳар бир Давлат активлари агентлигининг ҳудудий бошқармаларига **1 тадан** фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида ИТ ва ахборот ва киберхавфсизликка масъул ходим бириктирилди.

2025 йилда амалга ошириладиган ишлар:

1. “Е-auksion” электрон савдо платформасида рўйхатдан ўтиш жараёнида **сунъий интеллект** элементлари асосида шахсларни биометрик (**Face-ID**) **идентификация** қилиш жорий қилинади.

2. **“Davaktiv finance”** ва **“property.davaktiv.uz”** ахборот тизимлари ишлаб чиқилади.

3. **“Электрон ҳукумат”** тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали **10 та** вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан **интеграция қилинади**.

4. ИТ ва ахборот ва киберхавфсизлик соҳасида Давлат активлари агентлигининг **7 нафар** ходим **малакаси оширилади**.

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА 2025 ЙИЛДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР



QR-код қўйилган
электрон шаклда

4 та



Ягона интерактив
давлат хизматлари портали

**Янги хизмат жорий
қилиш ва 3 та хизматни
такомиллаштириш**

- ▶ Давлат намунасидаги ордер ва сертификатлар шунингдек, дубликатларни бериш
- ▶ Давлат улушига эга корхоналар бўйича маълумот бериш хизмати
- ▶ Давлат мулкнинг ижара ҳақи бирламчи миқдорини ҳисоблаш хизмати
- ▶ Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш хизмати
- ▶ Баҳоловчилар малака сертификатини бериш (БМҚ-635-сон қарори)
- ▶ Риэлторлар малака сертификатини бериш
- ▶ Суд бошқарувчилари талабгорларини аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва уларга малака аттестатини бериш

2024 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР



2 та

- ▶ Давлат активларини олди-сотди ва ижара шартномалари электрон шаклда тузиш ва уларни **QR-код қўйилган** ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш жорий этилди



2 та

- ▶ Давлат агентлигини «Davaktiv» ва «Online-ijara» **мобил иловалари** ишлаб чиқилди



2 та

- ▶ Давлат агентлигини бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўйича **ахборот тизими** ишлаб чиқилди



5 та

- ▶ Ахборот тизими ва ҳужжатларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан **экспертизадан** ўтказиш



5 нафар

- ▶ Ходим IT ва ахборот ва киберхавфсизлик соҳасида **малакаси оширилди ва сертификатларга эга бўлди**



14 нафар

- ▶ Худудий бошқармалар учун IT ва ахборот ва киберхавфсизликка масъул ходим билан фуқаролик ҳуқуқий шартнома имзоланди

2025 ЙИЛДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР



5 та

Ахборот тизими ва ҳужжатларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига экспертизадан ўтказиш



2 та

Ахборот тизим ишлаб чиқиш



6 та

Вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинади



10 нафар

Вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади



data.gov.uz

47 нафар

Очиқ маълумотлар жойлаштирилади



7 нафар

Ходим IT ва ахборот ва киберхавфсизлик соҳасида **малакаси ошириш**

5 та

Вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинди

Payme

CLICK

uzum bank

- ▶ Давлат активларини олди-сотди ва ижара шартномалари тўловларини электрон тўловлар тизимлари орқали **24/7 режимида тўлаш** имкониятини жорий этилди
- ▶ Кадастр агентлиги билан давлат активларига берилган **ордер ва сертификатлар маълумотлари** бўйича
- ▶ Солиқ қўмитаси билан давлат активларига берилган **ордер ва сертификатлар маълумотларини** ҳамда **активни тақиққа қўйилганлиги** бўйича
- ▶ Бизнесни ривожлантириш банки АТБ АЖнинг Бизнес порталига
- ▶ «Рақамли ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимига

2.4 Халқаро ҳамкорлик масалалари

Ҳисобот даврида Давлат активлари агентлиги фаолиятда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, халқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни мамлакатимизда қўллаш, хорижий инвесторларни жалб этиш, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

1. Халқаро ҳамкорлик бўйича жами **52 та** учрашувлар ўтказилди, булар, раҳбарият иштирокида **43 та** расмий ва **9 та** тегишли лойиҳалар доирасида ишчи тартибдаги учрашувлар.

16 та халқаро форум ва конференцияларда Давлат активлари агентлиги вакилларининг фаол иштироки таъминланди, хусусан:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган **“Financing Uzbekistan’s Green Transitio”, “Ўзбекистонда инвестициявий жозибадорликни ошириш”** конференцияларида ва Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ёритиб берадиган муҳим тадбир **“III Тошкент халқаро инвестиция форуми”**да **“Хусусийлаштириш ва давлат активлари: инвестициялар учун янги имкониятлар”** мавзусида панель сессия ташкил этилди, Самарқанд шаҳрида **Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Кенгашининг IX йиллик анжумани** доирасида **“Янги Ўзбекистон — катта имкониятларга эга катта Давлат”** панель сессиясида хусусийлаштириш ва давлат активлари юзасидан тақдимот ўтказилди ва янги хусусийлаштириш дастурини ўз ичига олган **1500** нусхадаги брошюралар хориж томон вакилларига, Ўзбекистондаги аэропортлар, вокзал ва меҳмонхоналарга тарқатилди.

“Ўзбекистонда рақобатбардошликни ошириш учун адолатли бозор шароитлари” мавзусига бағишланган халқаро семинарда иштирок этилди.

Туркия Республикаси Анқара шаҳрида бўлиб ўтган **“Ўзбекистон-Туркия бизнес форуми”** доирасида, **“Хусусийлаштириш — иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи ва бизнес учун имкониятлар”** мавзусида панель сессия ўтказилди.

Туркия Республикаси Истанбул шаҳрида **“Ўзбек-Турк тўқимачилик”** форумида хусусийлаштириш юзасидан **RoadShow** ўтказилди. **Туркия Хусусийлаштириш администрацияси** билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида икки томонлама англашув **меморандуми имзоланди.**

Тошкент шаҳрида **“Ўзбекистон-Хитой”** тўқимачилик форумида хусусийлаштириш бўйича маъруза билан иштирок этилди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари юзасидан **Швейцария-Осиё савдо палатаси** учун тақдимот қилинди.

2024 йил 12-13-декабрь кунлари Филиппиннинг Манила шаҳрида давлат корхоналарининг корпоратив бошқаруви бўйича **ИХТТ-Осиё тармоғи**нинг йиғилишида иштирок этилди.

Молиявий бозорлар бўйича бизнес конференцияларнинг етакчи провайдери **Cbonds-Congress** ва Инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан мамлакатимиз Капитал бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантириш истиқболлари муҳокамасига бағишланган **“Ўзбекистон Республикаси Капитал бозори” VI халқаро конференцияси** доирасида давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнлари, 2024 йилга мўлжалланган истиқболли режалар бўйича **RoadShow** ўтказилди.

2024 йил 18 сентябрь куни Абу Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ишбилармон доира вакиллари иштирокида бўлиб ўтган **“Бизнес алоқалар: Абу Даби ва Ўзбекистон”** форумида, Давлат активлари агентлиги томонидан **“Хусусийлаштириш — бу бизнес учун янги йўналиш ва имкониятлар”** мавзусида тақдимот ўтказилди ҳамда **70 дан ортиқ** БАА ишбилармон соҳа вакиллариغا Ўзбекистонда хусусийлаштириш соҳасида эришилган натижалар, келгусидаги истиқболли режалар, жумладан, тегишли хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ савдога чиқарилган ва хусусийлаштирилиши белгиланган йирик давлат активлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларни сотиб олиш жараёнлари бўйича тушунтиришлар бериб ўтилди.

Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги – “Innoweek.uz” доирасида **“Глобал индекс форуми”**да, Халқаро валюта жамғармаси томонидан ташкил қилинган **Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини ва иқлим ўзгариши соҳасида (PIMA ва C-PIMA) баҳолаш бўйича тадбирда** Давлат активлари агентлиги вакилларининг иштироки таъминланди.

Шунингдек, 2024 йилнинг 21 ноябрь санасида **“Bloomberg Discovery Day”** конференциясида иштирок этилиб, Bloomberg компанияси вакиллари билан Давлат активлари агентлиги фаолияти ҳамда хусусийлаштириш доирасида амалга оширилаётган ишларни **Bloomberg** терминалида жойлаб бориш бўйича **музокаралар ўтказилди** ва Самарқанд шаҳрида **“Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларни барқарор ривожлантиришда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш истиқболлари: халқаро ва миллий тажриба”** мавзусида халқаро конференция иштирок этилди.

Семинарлар:

Қуйидаги **7 та** халқаро семинарларда Давлат активлари агентлиги ходимларининг иштироки таъминланди:

PwC компанияси томонидан ташкил этилган **“Трансферт нархларни шакллантириш методологиясидан фойдаланган ҳолда алоқадор шахслар билан тузилган битимлар таҳлили”** мавзусида;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган **“Бозордаги давлат корхоналари”**, “Давлат корхоналарининг корпоратив бошқарувида ИХТТнинг янгиланган йўриқномалари” ва мавзусида;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган “Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш дастурини қўллаб-қувватлаш”, “Давлат корхоналарининг кузатув кенгаши аъзоларини танлаш ва тайинлаш” ва “Эҳтиёткорлик билан режалаштирилган хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш” мавзусида;

Индонезиянинг Жакарта шаҳрида **“Давлат активларини бошқарувчи идораларнинг”** 8-халқаро форуми доирасида иқтисодий сектор мутахассисларини салоҳиятини оширишга қаратилган ўқув;

Япония халқаро ҳамкорлик маркази томонидан ташкил этилган **“Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами доирасида кадрларни тайёрлашга оид стипендиялар”** мавзусидаги семинарларда Давлат активлари агентлигининг ходимларининг иштироки таъминланди. 2024 йил 25-26 январь кунлари Жаҳон банки ҳамкорлигида ташкил этилган PEFA асосида баҳолаш бўйича семинарда иштирок этилди, бундан ташқари, техник кўмак асосида 2024 йил 8-15 март санасида Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази вакили **Сингапурга** ўқув семинарига юборилди.

Германиялик консультант Матиас Неҳм томонидан **“Республика ва муниципал мулклар бошқарув тартиби ва мезонлари”** бўйича семинар ўтказилди.

Швейцарияга **Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш** жараёнларини ўрганиш юзасидан Давлат активлари агентлиги ходими ўқув семинарга юборилди.

Шу билан бирга, Давлат активлари агентлиги вакилларининг Қозоғистон, Индонезия, Швейцария (4) ва Туркия (4), Россия, АҚШ, Қирғизистон ва БАА давлатларига белгиланган тартибда хизмат сафари ташкил этилди.

2. Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда институционал салоҳиятни ошириш”да техник кўмак кўрсатиш (IBL) лойиҳаси доирасида:

а) Хусусийлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича **“Dentons”** компанияси халқаро **юридик консультант** сифатида жалб этилди;

б) Давлат корхоналари фаолиятини мониторинг қилиш тизимини автоматлаштириш дастурини ишлаб чиқиш;

Давлат корхоналарини корпоратив бошқарув тизимлари ва ягона сиёсатини такомиллаштириш бўйича халқаро маслаҳатчини жалб қилиш бўйича Жаҳон банки билан келишувга эришилди ва техник топшириқлар ишлаб чиқилиб Жаҳон банкига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси **“Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”**ги Қонунни қабул қилинганлиги муносабати билан **Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва “Indecon consulting”** вакилларининг видео шаклидаги муносабатлари олинди, мазкур Қонун инглиз тилига таржима қилинди.

“Strikitsa Consulting” томонидан **38 та** йирик корхоналарга **79 нафар** мустақил аъзоларни жалб этиш учун **99 нафар** хорижлик номзодларнинг қисқа рўйхати (short list) шакллантирилди ҳамда келишиш учун мазкур рўйхат Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

IBL лойиҳаси доирасида Хусусийлаштириш операцияларини амалга ошириш, Давлат иштирокидаги компанияларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш бўйича IT платформа ишлаб чиқиш жараёнларига хорижий экспертларни жалб қилиш мақсадида техник вазифалар ишлаб чиқилиб, ушбу лойиҳалар юзасидан Жаҳон банкининг розилиги олинди. Ўз навбатида, танлов муддати даврида **5 та** номзодлар томонидан аризалар келиб тушган бўлиб, Жаҳон банкининг Ўзбекистонда институционал салоҳиятни ошириш (IBL) лойиҳаси доирасида келиб тушган таклифларнинг энг маъқулини аниқлаш юзасидан Давлат активлари агентлигининг баҳолаш комиссияси томонидан номзодлар кўриб чиқилди.

3. Германиянинг Федерал кўчмас мулк институти вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти лойиҳа директори Б.Волбергнинг 2024 йил 20 февралдаги хатига мувофиқ Германиянинг Федерал кўчмас мулк институти, 2023 йил 9 октябрда Германия Федерал Молия вазирлиги ва Давлат активлари агентлиги ўртасида имзоланган англашув меморандумининг **қўшимча субъекти** этиб белгиланганди.

Германия Федерал Молия вазирлигининг техник кўмаги асосида, янги таҳрирдаги “Корпоратив бошқарув кодекси” лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Германиянинг **“Indecon consulting”** компанияси жалб қилинди, мазкур лойиҳа Германия Федерал Молия вазирлигининг йиллик кенгаш йиғилишида тасдиқланди.

Шунингдек, Германиялик ҳамкорларнинг (Федерал Молия вазирлиги департаменти директори доктор Андреас Керст, “Indecon consulting”: Матиас Неҳм, Ханс Ёаҳим Шрамм) 2024 йил 26-31 май кунлар Ўзбекистонга **ташрифи ташкил этилди**. Ташриф доирасида қатор учрашувлар

ўтказилиб, янги таҳрирдаги “Корпоратив бошқарув кодекси”нинг концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек 2024 йилнинг 3 декабрь куни Корпоратив бошқарув кодексининг янги лойиҳаси юзасидан тушунтириш бериш ва кенг муҳокама қилиш мақсадида Давлат активлари агентлиги биносида семинар ташкил этилиб, 200 дан ортиқ иштирокчилар иштирок этди.

Хитой Давлат мулк нозрати ва бошқаруви қўмитаси (SASAC) билан ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, Хитой давлатида бўлиб ўтган “Давлат иштирокидаги корхоналарда хусусийлаштириш ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги соҳасидаги салоҳиятини ошириш” мавзусидаги семинарда Давлат активлари агентлигининг **17 нафар** ходимларининг иштирок этди.

Республика ва муниципал мулкларни бошқаришда Норвегия, Швеция, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония тажрибаси ўрганилди.

4. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо (АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Швейцария ва Австралия) давлатлар томонидан бугунги кунга қадар келиб тушган **40 та** саволларга янгиланган жавоблар тақдим қилинди;

2024 йил 1 январь ҳолатига **1 646 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг янгиланган рўйхати шакллантирилди;

Фактологик резюмедаги хусусийлаштириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар қисмига тегишли маълумотлар янгиланди.

Хизматлар бозорига кириш бўйича Европа Иттифоқи, АҚШ, Австралия ва Швейцария томонидан билдирилган саволлар асосида мажбуриятлар жадвалларининг тегишли қисми қайта ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилинди.

5. Қатар, Покистон, БАА, Саудия Арабистони, Монголия мамлакатлари билан Ҳукуматлараро комиссиялари йиғилиш кун тартибига Давлат активлари агентлиги томонидан таклиф ва маълумотлар тайёрланиб инстанцияга тақдим этилди.

7. 2024 йил давомида **давлат иштирокидаги корхоналар** томонидан **33,5 млн АҚШ доллари** миқдорида хорижий грантларни жалб қилиш бўйича халқаро молия ташкилотлари билан **келишувга эришилди.**

Шунингдек, Давлат активлари агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот даврида **1,8 млн АҚШ доллари** миқдорида **хорижий грантлар** жалб қилинган.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА JAHON SAVDO TASHKILOTI MASALALARI BO'YICHA



Учрашувлар

52 та



Хорижий тажриба

10 та



Форум ва семинар

23 та



Келишув ва меморандум

3 та

Хорижий хизмат сафарлари



Сингапур Республикаси

Уқув амалий сафар



Америка Қўшма Штатлари

ЖСТга қўшилиш бўйича Ишчи гуруҳининг йиғилиши



Индонезия

Уқув амалий сафар



Швейцария федератив Республикаси

ЖСТга қўшилиш бўйича Ишчи гуруҳининг йиғилиши



Хитой Халқ Республикаси

Уқув амалий сафар



Туркия Республикаси

Туркия-Ўзбекистон бизнес форуми



Бирлашган Араб Амирликлари

БАА-Ўзбекистон бизнес форуми

Халқаро молия институтлари билан амалга оширилаётган лойиҳалар



EBRD

Лойиҳа қиймати:
0,5 млн. доллар

Лойиҳа сони:
2 та



World bank

Лойиҳа қиймати:
4,5 млн. доллар

Лойиҳа сони:
4 та



ADB

Лойиҳа қиймати:
0,5 млн. доллар

Лойиҳа сони:
2 та



AFD

Лойиҳа қиймати:
1,0 млн. доллар

Лойиҳа сони:
1 та



Давактив агентлиги

1.8 млн \$

давлат иштирокидаги корхоналар

33.5 млн \$

Фаолиятдаги халқаро консультантлар



giz

KPMG



IFC

indecon
consulting GmbH

Deloitte

nestor

MANGOLD

III. Давлат активлари агентлигининг бошқа фаолият йўналишлари

3.1 Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш ҳамда профессионал жамоат бирлашмалари мавқеини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига 2021 йил 13 октябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб унда, баҳоловчи ва риэлторлик ташкилотлари учун лицензияга эга бўлиш талаби бекор қилинган.

Шунга кўра, баҳолаш ва риэлторлик фаолиятларини ривожлантириш мақсадида 2024 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. “Ўзбекистон Республикаси “Ягона миллий баҳолаш стандарти” (Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 28 декабрда 3487-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) моҳияти ва аҳамиятини ҳамда меъёрларни амалиётда қўллаш ва тушунтириш бўйича 2024 йил 2 февралда Ягона миллий баҳолаш стандартининг янги таҳрири бўйича баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда баҳоловчи ташкилотлар учун (видеоконференсалоқа орқали) семинар ташкил этилди.

Давлат активлари агентлигининг “Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформаси”нинг www.davbaho.uz доменида (cabinet.davbaho.uz) “Экспертиза” саҳифасида баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра расмийлаштирилган экспертиза хулосалари юзасидан “Экспертиза хулосаларининг ягона реестри” (кейинги ўринларда – Ягона реестр) яратилди ва тест режимидан ўтказилиб тўлиқ жорий этилди.

Шу билан бирга мазкур платформада:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш ҳуқуқи берилган биринчи ёки олий тоифали баҳоловчилар бўйича маълумотлар киритилди;

баҳоловчи ташкилотлар томонидан расмийлаштирилган экспертиза хулосаси бўйича маълумотларни Ягона реестрга экспертиза тугагандан сўнг беш иш куни ичида баҳоловчи ташкилот томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди;

Республика бўйича баҳоловчи ташкилотлардан экспертиза бўйича “келиб тушган”, “таҳрирлаш учун қайта юборилган”, “қабул қилинган” маълумотлар бўйича умумий ва ҳудудлар кесимида автомат маълумотлар олиш;

экспертиза бўйича қабул қилинган маълумотлар асосида хоҳлаган даврга автомат равишда Ягона реестр шакллантириш ҳамда мазкур реестрни доимий янгилаб бориш имкони яратилди.

Бугунги кунда, Ягона реестрда баҳоловчи ташкилотлар томонидан расмийлаштирилган экспертиза хулосалари бўйича **765 та** маълумотлар қабул қилинди ҳамда Давлат активлари агентлигининг расмий www.davaktiv.uz веб сайтида “Очиқ маълумотлар” бўлимига жойлаштирилди.

2. Давлат активлари агентлигининг www.davbaho.uz ахборот тизимида баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли электрон рақамли имзо (E-Imzo) орқали тақдим этилиши йўлга қўйилди.

Мазкур Платформага йил бошидан **191 та** баҳоловчи ташкилотлар томонидан тегишли баҳолаш фаолияти тўғрисидаги (*электрон*) маълумотлар шакли асосида 2023 йил учун баҳолаш соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми (*шартномалар сони ва хизматлар суммаси 118,6 млрд сўм*), баҳоланган мулк турига қараб кўрсатилган хизматлар ҳажми, баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосалари ҳамда фаолият юритувчи баҳоловчилар тўғрисидаги маълумотлар қабул қилинди.

Тақдим этилган маълумотларга асосан “Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти” (www.ooz.uz) ҳамда “Ўзбекистон баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамияти” (www.obemj.uz) томонидан баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинги аниқланиб, расмий сайтда эълон берилди.

3. 2024 йилда **46 маротаба** баҳолаш объектлари баҳоси бўйича материалларни баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича Эксперт комиссиясининг иши ташкил этилди ва **26 та** эксперт хулосалари тайёрланиб суд органларига юборилди.

Бунда, **64,3 млрд сўмлик** баҳолаш қийматига эга бўлган объектлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилиб, хулосалар берилди.

4. Давлат активлари агентлигининг Баҳоловчиларга тоифа бериш ёки тоифа беришни рад этиш бўйича Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда комиссия йиғилиши бўлиб ўтди, мазкур комиссияда **42 та** талабгорга тегишли бўлган ҳужжатлар тўплами кўриб чиқилди.

Комиссия баённомаси қарорига асосан 2024 йилда **42 та** талабгордан **26 та** (*8-та олий, 15-та биринчи, 3-та иккинчи*) талабгорга тоифа гувоҳномалари берилди.


5. Баҳолаш соҳасида қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари аниқланганлиги сабабли **3 та** баҳоловчига нисбатан баҳоловчининг малака сертификатларини тугатиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди

шундан **1 та** баҳоловчининг малака сертификати суд қарорига асосан тугатилди.

6. 2024 йил бошидан **221 та** баҳоловчиларга ва **210 та** риэлторларга малака сертификатлари **берилган бўлиб**, бугунги кунга республикада жами **966 та** баҳоловчида ва **684 та** риэлторда малака сертификатлари **амал қилади**.


11-график

Баҳоловчи ва риэлторлар йўналиши бўйича малака сертификати олган жисмоний шахслар тўғрисида



11.1-график


Малака сертификатига эга бўлган баҳолаш ва риэлторлар тўғрисида



Ҳудудлар кесимида республикадаги **966 та** малака сертификатига эга баҳоловчилар жами сонига нисбатан Тошкент шаҳрида **27 фоиз (265 та)** бўлса, Навоий, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларда бу кўрсаткич **5 фоиздан** кам.

12-график


Ҳудудлар миқёсида малака сертификатига эга бўлган баҳоловчилар тўғрисида



Бугунги кунда республикада **684 та** малака сертификатига эга риэлторлар фаолият олиб бормоқда. Ҳудудлар кесимида жами сонига нисбатан Тошкент шаҳрида **51 фоиз (352 та)**, Самарқанд вилояти **16 фоиз (108 та)**, Тошкент вилояти **7 фоиз (48 та)** ва Бухоро вилояти **4 фоиз (28 та)** бўлса, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич **5 фоиздан** кам.


13-график

Ҳудудлар миқёсида малака сертификатга эга бўлган риэлторлар тўғрисида



Baholash faoliyatiga oid asosiy ma'lumotlar


BAHOLASH XIZMATLARI TURLARI



BAHOLASH FAOLIYATI SOHASIDAGI PROFESSIONAL JAMOAT BIRLASHMALARI

Baholovchi tashkilotlar assotsiatsiyasi	117 ta tashkilot a'zo
O'zbekiston baholovchilar, ekspertlar va maslahatchilar jamiyati	68 ta tashkilot a'zo
O'zbekiston Baholovchilar jamiyati	56 ta tashkilot a'zo
O'zbekiston Baholovchilar uyushmasi	51 ta tashkilot a'zo

Baholovchi tashkilotlar va baholovchilar soni



BAHOLASH SOHASIDA DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISH

Baholovchilarga "malaka sertifikat" berish bo'yicha davlat xizmatlarini ko'rsatish to'liq avtomatlashtirildi (my.gov.uz) hamda 2024 yil davomida 435 ta talabgordan arizalar kelib tushdi va shundan QR-kod bilan rasmiylashtirilgan 221 ta sertifikatlar berildi.

BAHOLASH FAOLIYATINING YAGONA AXBOROT PLATFORMASIDA:

Baholash xizmatlarini ko'rsatish sohasini tahlil qilish, baholovchi tashkilotlar va baholovchilar reyestrini yuritish imkonini beruvchi yagona elektron ma'lumotlar bazasi shakllantirildi;

Baholovchi tashkilotlarning reyting va renkingi joriy etildi;

"Ekspertiza xulosalarining yagona reyestri" yaratilib, 765 ta ma'lumotlar qabul qilindi.

Yagona milliy baholash standartining yangi tahriri Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 28-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi (ro'yxat raqami 3487) va 2024-yil 1-yanvardan kuchga kirdi.

BAHOLASH FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI



BAJARILGAN BAHOLASH XIZMATLARI ISH HAJMI


2024y.	127,0 mlrd.so'm
2023y.	118,0 mlrd.so'm
2022y.	103,9 mlrd.so'm
2021y.	92,6 mlrd.so'm

Rieltorlik faoliyatiga oid asosiy ma'lumotlar

RIELTORLIK XIZMATLARI TURLARI



Rieltorlik tashkilotlari va rieltorlar soni



RIELTORLIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI

- 01** Rieltorlik faoliyatini tartibga soluvchi yagona umumlashtirilgan normativ hujjat – "Rieltorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonunning yangi tahririni ishlab chiqish va Rieltorlik xizmatlarining milliy standartlarini takomillashtirish
- 02** Sohada o'zini o'zi boshqarish mexanizmlarini rivojlantirish maqsadida jamoat birlashmalarini mavqeni oshirish
- 03** Rieltorlik tashkilotlarida jinoiy faoliyattan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat Qoidalariga rioya etish yuzasidan vakolatli organ bilan birgalikda tegishli ishlarni amalga oshirish
- 04** Ko'chmas mulk bozorini raqamli transformatsiya qilish, yashirin aylanmani qisqartirish, rieltorlik xizmatlarini "yagona darcha" tamoyili asosida ko'rsatish imkonini beruvchi xususiy Milliy multilisting tizimlarini yaratish va amaliyotga tadbqiq etishda ko'maklashish

RIELTORLIK FAOLIYATI SOHASIDAGI PROFESSIONAL JAMOAT BIRLASHMALARI

Rieltorlik tashkilotlari uyushmasi



O'zbekiston Rieltorlar gildiyasi



RIELTORLIK SOHASIDA DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISH



Rieltorlarga "malaka sertifikatini" berish bo'yicha davlat xizmatlarini ko'rsatish to'liq avtomatlashtirildi (my.gov.uz) hamda 01.01.2025 yilda 409 ta talabgordan arizalar kelib tushdi va shundan QR-kod bilan rasmiylashtirilgan 210 ta sertifikatlar berildi

RIELTORLIK FAOLIYATINING YAGONA AXBOROT PLATFORMASI



Yagona axborot platformasida (www.davbaho.uz) rieltorlik xizmatlarini ko'rsatish sohasini tahlil qilish, rieltorlik tashkilotlari va rieltorlar reyestrini yuritish imkonini beruvchi yagona elektron ma'lumotlar bazasi shakllantirildi.

KO'RSATILGAN RIELTORLIK XIZMATLARI HAJMI

2024y.	50,00 mlrd. so'm
2023y.	43,00 mlrd. so'm
2022y.	38,03 mlrd. so'm
2021y.	32,50 mlrd. so'm

3.2 Тўловга қобилиятсизлик жараёни бўйича

1. 2024 йилнинг ҳисобот даврида **14 537 та** (8 005 таси 2023 йилдан ўтган, 6 532 таси 2024 йилда банкрот деб топилган) корхоналарда (мулки мавжуд – **376 та**) тугатиш ишлари олиб борилиб, уларнинг **9 392 тасида** (3 055 таси 2024 йилда банкрот деб топилган) тугатиш ишлари якунланган (мулки мавжуд – **123 та**), қолган **5 145 тасида** (мулки мавжуд – **253 та**) тугатиш ишлари давом этмоқда.

14-график

Тўловга қобилиятсизлик жараёнлари тўғрисида



Мулки мавжуд тугатиш ишлари олиб борилаётган **253 та** корхонадан:

- **57 та**сининг мол-мулклари **649,2 млрд сўм** бошланғич қийматда “Е-auksion” электрон-онлайн савдосига чиқарилган;
- **41 та**сида хатлов, **59 та**сида баҳолаш, **26 та**сида учинчи шахслардан мулкани қайтариш бўйича суд жараёнлари олиб борилмоқда;
- **25 та**сининг мол-мулклари сотилган, **34 та**сининг мол-мулклари кредиторларга, **4 та**сининг мол-мулклари самарали фойдаланиш учун суд ҳужжатларига асосан маҳаллий ҳокимликларга берилган ҳамда **7 та**сининг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

Мол-мулки мавжуд банкрот корхоналарнинг жами **394 млрд сўмлик** кредиторлик қарздорликлари, хусусан солиқ ва йиғимлардан **42 млрд сўм**, иш ҳақидан **16 млрд сўм**, банк кредитидан **212 млрд сўм** ҳамда бошқа кредиторлардан **125 млрд сўм** қарздорликлари қопланган.


Шунингдек, иқтисодий суднинг ажримларига асосан **9 та** корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг **суд санацияси** ҳамда **3 та** корхоналарга нисбатан **ташқи бошқарув** таомиллари жорий этилиб, санация ва ташқи бошқарув режаларига мувофиқ корхоналарни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

2. Суд бошқарувчилари талабгорларига малака аттестатини бериш бўйича **давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** кўрсатиш амалиёти жорий этилди.

Шу сабабли, **315 нафар** суд бошқарувчиси талабгори мурожаатига мувофиқ улар аттестациядан ўтказилди ва уларнинг **157 нафарига** суд бошқарувчиси аттестати берилди, натижада уларнинг умумий сони **333 тага** етказилди.

15-график

Суд бошқарувчилари фаолияти



Давлат активлари агентлиги томонидан **240 нафар** суд бошқарувчиларининг иш фаолияти кўриб чиқилиб, **111 нафар суд бошқарувчи** аттестати бекор қилинган, **30 нафарининг** аттестатининг амал қилиши тўхтатилган, **38 нафарига** камчиликларни бартараф этиш ҳақида кўрсатма берилган ҳамда **61 нафарига** келгусида камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантириш берилди**.

3. Тадбиркорлик субъектлари учун хўжалик жамиятининг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) тўғрисида маълумотларни “**my.gov.uz**” орқали олиш **имконияти яратилиб**, 2024 йилда **49 656 та** давлат хизматлари кўрсатилди.

4. 2024 йил январдан бошлаб, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни суд бошқарувчилари томонидан ўз кабинети орқали Давлат активлари агентлигининг расмий **веб-сайтида эълон** қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилиб, 2024 йилда суд бошқарувчилари томонидан **5 400 тадан ортиқ корхоналар** бўйича эълонлар Давлат активлари агентлигининг веб-сайтида жойлаштирилди.

IV. “E-auksion” электрон савдо платформаси фаолияти

“E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион ва танлов савдоларини ўтказиш, унинг инсон омилисиз, шаффоф тарзда ўтказилиши ҳисобига йилдан йилга оммалашиб, ундаги савдо турлари ошиб бормоқда. Жумладан:

1. “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали 28 турдаги жами 35,6 трлн сўм бошланғич нарх билан 289 706 та мол-мулклар ва фойдаланиш ҳуқуқлари аукцион ва танлов савдоларига чиқарилган бўлиб, бошланғич нархи 12,7 трлн сўм бўлган 233 470 та лот 16,9 трлн сўмга (4,2 трлн сўм қимматроқ) реализация қилинди.

2. Саноат зоналари ҳудудидаги ер участкаларни электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш:

Эркин ва махсус иқтисодий зоналари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун **770 та (2 206 гектар)** ер участкалари аукцион савдосига чиқарилиб, шундан **301 та (1 396 га)** ер участкаси **196,0 млрд сўмга** (бошланғич нархига нисбатан **22 млрд сўмга** қимматроқ) сотилган.

Ёшлар ва Кичик саноат зоналари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича **1 155 та (311 гектар)** (*Ёшлар саноат зонасида 222 та (27,7 га), Кичик саноат зонасида 933 та (283 га)*) ер участкалари аукцион савдосига чиқарилиб, шундан **901 таси (184 га) 48 млрд сўмга** (бошланғич нархига нисбатан **11 млрд сўмга** қимматроқ) сотилган.

3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини юридик шахслар учун ижара ҳуқуқи асосида 3 221 та (188 383 га) ер майдонлари **874 млрд сўм** бошланғич нархда аукцион/танлов савдоларига чиқарилиб, шундан бошланғич нархи **746 млрд сўм** бўлган **1 513 та (99 633 га)** ер майдонлари **1 374 млрд сўмга**;

Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича 2024 йилда бошланғич қиймати **1,0 трлн сўм 18 520 гектар** ер майдонига эга **23 645 та** ер участкалари аукцион/танлов савдоларига чиқарилган ва **10 026 та (7 614 га)** ер участкалари **709 млрд сўмга**;

Ёшларга деҳқон хўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида 161 674 та (61 330 га) ер майдонлари **2 262 млрд сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилиб, шундан бошланғич нархи **2 097 млрд сўм** бўлган **152 897 та (56 171 га)** ер майдонлари **2 441 млрд сўмга** ижарага берилди.

4. “E-auksion” электрон савдо платформаси негизида махсус ipo.e-auksion.uz савдо платформаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Шунингдек, 2024 йилда ўтказилган “**Xalqchil IPO**” лойиҳаси давомида **ipo.e-auksion.uz** платформаси орқали **8 413 нафар инвесторнинг 314 556 дона акция олиш** бўйича аризалари келиб тушган бўлиб улар тегишли тартибда тақсимоат учун инвестицион воситачиларига юборилди. Платформа ёрдамида инвестор ва инвестицион воситачилари ўртасида брокерлик хизматини кўрсатиш ва **депо ҳисобварақ** очиш тўғрисида **9 475 дона** электрон шартнома имзоланди.

5. Янги йўналишларни жорий этиш соҳасида

– **барча давлат муассасаларининг асосий воситалари** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш;

– **хусусий мулкдорлар** буюртмаларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича **соддалаштирилган тартиб ва муддатларда** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш йўлга қўйилди;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон **танлов ўрнига** электрон онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш жорий қилинди

– **Ўрмон фонди** ер участкаларини ҳамда **давлатга тегишли сув ҳавзаларини** тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш йўлга қўйилди

– **“Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси** буюртмасига асосан алоҳида шартлар асосида **“Угам ривер” туристик мажмуаси** модули яратилиб инвестиция шартномасини тузиш ҳуқуқи бўйича аукцион савдолари ташкил этилди.

– давлат иштирокидаги корхоналар давлат улуши сотиш бўйича савдоларини ташкил этишда, иштирокчилар томонидан сотиб олиш нархи бўйича Мажбуриятга эга бўлган **таклифларни (The Best Offer) қабул қилиш** имконияти яратилди.

6. “E-auksion” платформасини технологик такомиллаштириш соҳасида

“Ассистент” тизимида ёшлар етакчилари учун **“Маҳалла еттилиги”**нинг тавсиясини олган ёшларни аукционларда қатнашишга **рухсат бериш** имконияти яратилди.

Ер участкалари бўйича тўловларини тўлаш бўйича шартномаларни платформа орқали имзолаш йўлга қўйилди;

“E-auksion shop” электрон савдо дўконининг мобил қурилмалар учун **мобил иловалари** ишлаб чиқилди ва ишга туширилди;

оммавий оферта ва бошқа шартномаларни имзолашда қўшимча равишда **OneID тизимидан** фойдаланиш имконияти яратилди.

давлат активлари бўйича чегирма беришни назарда тутувчи олди-сотди шартномалари ҳамда кичик саноат зоналари, тадбиркорлик ерлари **(бўлиб тўлаш) ва Ўрмон фонди** ер участкалари учун **шартномалар электрон шаклда** савдо платформасида имзолаш имконияти жорий қилинди.

4.1 Давлат активларининг аукцион савдолари

2024 йил давомида давлат кўчмас мулки объектлари ва давлат улушлари бўйича **1 273 та** объект **3 793,5 млрд сўм** бошланғич нархда электрон савдоларга чиқарилиб, бошланғич нархи **2 153,5 млрд сўмлик 1 655 та** объект (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **2 589 млрд сўмга (436 млрд сўм қимматроққа)** сотилди.

Шундан:

– **1 134 та** давлат объектлари **2 481 млрд сўм** бошланғич нархда аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **1 653 млрд сўм** бўлган **1 516 та** давлат объектлари **2 021 млрд сўм** ёки **368 млрд сўм** қимматга реализация қилинган.

– **117 та** давлат улушлари **1 217 млрд сўм** бошланғич нархда аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **407 млрд сўм** бўлган **118 та** давлат улушлари **470 млрд сўм** ёки **63 млрд сўм** қимматга реализация қилинган.

– **22 та** алоҳида шартлар асосида сотиладиган давлат активлари **95 млрд сўм** бошланғич нархда аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **93 млрд сўм** бўлган **21 та** давлат активлари **98 млрд сўм** ёки **5 млрд сўм** қимматга реализация қилинган.

- Тошкент шаҳар, Миробод туманидан нархи **161,3 млрд сўм** бўлган Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бино ва мол-мулкларни вақтинчалик сақлаш дирекциясига қарашли бўш турган мулкый мажмуа **185,4 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 11787426);

- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидан нархи **23,4 млрд сўм** бўлган “5 сон стоматологик поликлиника” МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз давлат улуши **38,7 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10074864);

- Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридан нархи **8,3 млрд сўм** бўлган Самарқанд шаҳар ҳокимлигига қарашли бўш турган маъмурий ва ёрдамчи бино **21,5 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 11965558).

4.2 Давлат иштирокидаги корхоналар активларини аукционда реализация қилиш ва ижарага бериш ҳолати

2024 йил давомида бошланғич нархи **7,1 трлн сўм** бўлган **16 358 та** устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **2,5 трлн сўм** бўлган **8 682 таси** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **2,8 трлн сўмга** ёки **297 млрд сўм** қимматга сотилган/ижарага берилган. Шундан:

Бошланғич нархи **5,7 трлн сўм** бўлган **2 471 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулклари ва улушлари аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **1,9 трлн сўм** бўлган **1 261 таси** **2,1 трлн сўмга** ёки **172,0 млрд сўм** қимматга реализация қилинган;

– Тошкент вилояти, Тошкент туманидан нархи **6,6 млрд сўм** бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Чилонзор филиалига қарашли “Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехи” бино ва иншоотлари 2024 йил 8 январда **12,6 млрд сўмга** сотилди. (лот рақам – 7693244).

Бошланғич нархи **1,1 трлн сўм** бўлган **12 453 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқа мол-мулклари аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан бошланғич нархи **393 млрд сўм** бўлган **6 519 таси** **449 млрд сўмга** ёки **56,0 млрд сўм** қимматга реализация қилинган;

– Бухоро вилояти, Пешку туманидан нархи **938,2 млн сўм** бўлган “Buxoro Agroservis MTP” МЧЖга қарашли Jhon Deer трактори билан Technolog 3+1 айланма омонатликда 2024 йил 16 июлда **1,7 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10186339).

Йиллик ижара ставкаси нархи **239 млрд сўм** бўлган **8 630 та** давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан нархи **203 млрд сўм** бўлган **7 759 таси** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **306 млрд сўмга** ёки **103 млрд сўм** қимматга ижарага берилган;

– Тошкент шаҳар, Сирғали туманидан йиллик ижара ставкаси **8,4 млрд сўм** бўлган “Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти” МЧЖ биносидаги реклама ўрнатиш жойлари 2024 йил 29 апрелда **22,3 млрд сўмга** ижарага берилди (лот рақами: 8709773).

V. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини реализация қилиш тўғрисида

5.1 Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун ер участкаларини реализация қилиш тўғрисида.

2024 йил давомида Республика бўйича (ўтган йилдан ўтувчи ерлар билан бирга) майдони **9 427,7 гектар** бўлган **95 543 та** ер участкалари мулк ва ижара ҳуқуқида **5,9 трлн сўм** бошланғич нархда аукцион савдоларига қўйилган.

Шундан, майдони **6 673,8 гектар** бўлган **5,7 трлн сўм** бошланғич нархдаги **48 876 та** ер участкалари 2024 йилда савдога чиқарилган.

2024 йилда **35 358 та** (**4 105 га**), **2,8 трлн сўм** бошланғич нархдаги мулк ва ижара ҳуқуқидаги ер участкалари **4,4 трлн сўмга** ёки **1,6 трлн сўм** қимматга сотилган.

Шундан:

- Мулк ҳуқуқида 2024 йилда **15 915 та** (**743 гектар**) ер участкалари **343,5 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **22 869 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **1 380 гектар** ер участкалари **452 млрд сўмга** реализация қилинган;

- Тошкент шаҳри, Миробод туманидан нархи **2,9 млрд сўм** бўлган **6 сотих** ер участкаси ошхона, кафелар, савдо уйлари қуриш учун ижара ҳуқуқи билан 2024 йил 22 июлда **15,1 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10158476).

- Ижара ҳуқуқида 2024 йилда **31 756 та** (**5 711 гектар**) ер участкалари **3 486 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **11 455 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **2 548 гектар** ер участкалари **1 809 млрд сўмга** (**643 млрд сўм** қимматроққа) реализация қилинган;

- Хоразм вилояти, Хазорасп туманидан нархи **88,8 млн сўм** бўлган **8 сотих** ер участкаси кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш учун ижара ҳуқуқи билан 2024 йил 9 августда **4,1 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 10486363).

- Кўп қаватли уй-жой қуриш учун 2024 йилда **1 205 та** (**220 гектар**) ер участкалари **1 919 млрд сўм** бошланғич нарх билан аукцион савдоларига чиқарилган бўлиб, шундан **1 031 та** (йилдан йилга ўтувчилари билан бирга) **178 гектар** ер участкалари **2 109 млрд сўмга** (**785 млрд сўм** қимматроққа) реализация қилинган;

- Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридан нархи **27,3 млн сўм** бўлган **10 сотих** ер участкаси кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш учун ижара ҳуқуқи билан 2024 йил 4 апрелда **4,5 млрд сўмга** сотилди (лот рақами – 8368839).

e-auksion.uz



platformasida savdo natijalari



	2021	2022	2023	2024
	19	25	26	28
	53 685	583 806	336 538	289 706
	23 373	475 301	302 490	233 470
	1 807	3 868	8 396	12 653
	2 234	5 501	11 929	16 861

	Sotiladigan mulk toifasi
	Savdoga chiqarilgan mulklar soni (ta)
	Sotilgan mulklar soni (ta)
	Boshlang'ich narxi (mlrd. so'm)
	Sotilgan narxi (mlrd. so'm)

Eng qimmat sotilgan ayrim mulklar



Bo'sh turgan mulkiy majmua

Sotilgan narxi

185,4 mlrd. so'm



Noturar bino

Sotilgan narxi

100,3 mlrd. so'm



"Eyvalek maxsus temir beton" MChJdagi 49 foiz davlat ulushi

Sotilgan narxi

46,2 mlrd. so'm



"5-son stomatologik poliklinika" MChJdagi 100 foiz davlat ulushi

Sotilgan narxi

38,6 mlrd. so'm

“E-AUKSION” ELEKTRON SAVDO PLATFORMASI FAOLIYATI 2024-yil

SAVDOGA CHIQARILGAN MULKLAR

289 706 ta

35 637 mlrd so'm

REALIZATSIYA QILINGAN

233 470 ta

12 653 mlrd so'm

16 861 mlrd so'm

■ Soni

■ Boshlang'ich narxi

■ Sotilgan narxi



ISHTIROKCHILAR SONI



- Davlat aktivlarini **7 747**
- Davlat aktivlari ijarasi **20 130**
- Yer uchastkalari **75 902**
- Qishloq va dehqon xo'jaligi yerlari **197 206**
- Ko'chma savdo joylari **21 393**
- Ijro hujjatlari bo'yicha mulklar **58 806**
- Boshqalar **27 471**

AUKSION NATIJALARI



Davlat aktivlari ijarasi

7 759 ta 306,2 mlrd so'm



Davlat aktivlarini

2 916 ta 4 736 mlrd so'm



Yer uchastkalari

35 358 ta 4 369 mlrd so'm



Qishloq va dehqon xo'jaligi yerlari

164 436 ta 4 524 mlrd so'm



Ijro hujjatlari bo'yicha mulklar

7 136 ta 1 920 mlrd so'm



Ko'chma savdo joylari

7 898 ta 15,1 mlrd so'm

ХУЛОСА

Давлат активлари агентлигининг **2025 йилдаги асосий вазифаси ҳам** иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожланган тармоқларида **давлат иштирокини кескин камайтириш, хусусий сектор фаолият кўрсатиши учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини кенг жорий этиш** орқали уларни самарали бошқаришни ташкил этиш, давлат мулки, шу жумладан бўш турган **давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш** бўлиб қолади.

2025 йилдаги вазифаларни амалга ошириш учун Давлат активлари агентлиги тизимида сафарбарлик эълон қилинади!